



ТАДБИРКОРЛИК СЕКТОРИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хайитова Рушана

Термиз давлат педагогика институти

ORCID: 0009-0002-6081-0008

rushanaxaitova1@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари таҳлил қилинган. Тизимли, институционал ва инновацион ёндашувлар асосида таркибий ўзгаришларни баҳолаш усуллари ёритилган. Шунингдек, тадбиркорликни диверсификация қилиш, рақамли трансформация ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларининг аҳамияти асосланган. Тадқиқот натижалари иқтисодиётда барқарор ўсиш ва рақобатбардошликни таъминлашда илмий-амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, тадбиркорлик сектори, таркибий тузилма, тармоқ ва соҳалар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРУКТУРЫ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО СЕКТОРА И ВОПРОСЫ ЕГО РАЗВИТИЯ

Хайитова Рушана

Термезский государственный педагогический институт

Аннотация. В данной статье проанализированы методологические аспекты совершенствования структурного устройства предпринимательского сектора. На основе системного, институционального и инновационного подходов раскрыты методы оценки структурных изменений. Также обосновано значение диверсификации предпринимательства, цифровой трансформации и механизмов финансовой поддержки. Результаты исследования имеют научно-практическое значение в обеспечении устойчивого экономического роста и конкурентоспособности экономики.

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, устойчивый рост национальной экономики, предпринимательский сектор, структурное устройство, отрасли и сферы.

IMPROVING THE STRUCTURAL COMPOSITION OF THE ENTREPRENEURSHIP SECTOR AND ISSUES OF ITS DEVELOPMENT

Khayitova Rushana

Termez State Pedagogical Institute

Abstract. This article analyzes the methodological aspects of improving the structural composition of the entrepreneurship sector. Based on systemic, institutional, and innovative approaches, methods for assessing structural changes are highlighted. In addition, the importance of entrepreneurship diversification, digital transformation, and financial support mechanisms is substantiated. The results of the study have scientific and practical significance in ensuring sustainable economic growth and competitiveness of the economy.

Keywords: entrepreneurship, small business, sustainable growth of the national economy, entrepreneurship sector, structural composition, industries and sectors.

Кириш.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, мамлакат экспорт салохиятини юксалтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда тадбиркорлик, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлик даражаси асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик, кенг маънода, шахсий манфаатга асосланган, субъект олдида турган мақсадга эришишга қаратилган, унинг бевосита иштирокида узининг шахсий омилларига асосланиб, амалга ошириладиган, оила хужалигини юритишдан тортиб, махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар курсатишгача булган юмушлар билан боғлиқ ақлий фаолият сифатида қаралади. Тор маънода, тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий соҳанинг турли-туман даражаларидаги махсулот ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни соҳибкорликни ифодалайди¹.

Мустақиллик йилларининг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва бошқа соҳани ривожлантиришга оид бир қатор меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир курсатиб келмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлашда тадбиркорлик сектори муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлик иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатида намоён бўлиб, иш ўринлари яратиш, инновацияларни жорий этиш ва ички бозорни диверсификация қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини илмий асосда такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмаси деганда, унинг тармоқлар, ҳудудлар, ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва фаолият турлари кесимидаги нисбатлари тушунилади. Мазкур тузилма иқтисодиётнинг самарадорлиги ва барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Агар таркибий мутаносиблик таъминланмаса, иқтисодиётда дисбаланслар юзага келади, ресурслар самарасиз тақсимланади ва иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди. Шунинг учун тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини оптималлаштириш методологик жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи

Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштириш масаласи халқаро иқтисодий адабиётларда кенг ўрганилган бўлиб, унинг назарий ва методологик асослари бир қатор олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Хусусан, тадбиркорликнинг иқтисодий ўсишга таъсири, унинг таркибий хусусиятлари ва институционал омиллар билан боғлиқлиги илмий тадқиқотларнинг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Аввало, тадбиркорлик ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни Zoltan Acs (2005, 2017) ва David Audretsch (2004) тадқиқотларида чуқур таҳлил қилинган. Уларнинг фикрича, тадбиркорлик сектори таркибий жиҳатдан диверсификация қилинган бўлса, иқтисодиётда инновацион фаоллик ва рақобат кучаяди. Бу эса юқори кўшимча қиймат яратишга хизмат қилади.

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-kichik-biznes-va-hususiy-tadbirkorlik-so-asini-rivozhlanish-zharayonlari>.

Шунингдек, William Baumol (1990) тадбиркорлик фаолиятининг “самарали” ва “самарасиз” турларини ажратиб, институционал муҳит тадбиркорлик таркибий тузилмасини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини асослаб берган. Унинг назариясига кўра, давлат сиёсати тадбиркорлик ресурсларини маҳсулдор соҳаларга йўналтириши лозим.

Институционал ёндашув доирасида Douglass North (1990) ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг тадқиқотларида иқтисодий институтлар тадбиркорлик фаолиятини чекловчи ёки рағбатлантирувчи омил сифатида қаралади. Демак, тадбиркорлик сектори таркибий ўзгаришлари институционал ислоҳотлар билан узвий боғлиқ.

Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги роли Paul Reynolds (1999) томонидан ўрганилган бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятининг бошланғич босқичларини таҳлил қилиш орқали таркибий ўзгаришларни баҳолаш методологиясини таклиф этади. Унинг ёндашуви GEM (Global Entrepreneurship Monitor) маълумотларига асосланади.

Тадбиркорлик ва инновациялар ўртасидаги боғлиқлик Joseph Schumpeter (1934) назариясида илгари сурилган бўлиб, у “ижодий вайрона қилиш” концепцияси орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни тушунтиради. Бу назария ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнги тадқиқотларда тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини баҳолашда эмпирик ва иқтисодий-математик усуллар кенг қўлланилмоқда. Масалан, Erkko Autio (2014) тадқиқотларида тадбиркорлик экотизимлари ва уларнинг таркибий элементлари ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинган. У тадбиркорлик муҳитини комплекс тизим сифатида баҳолашни таклиф этади.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик сектори трансформацияси масалалари Carl Benedikt Frey (2017) ишларида ўрганилган. У рақамли технологиялар таъсирида иқтисодий таркибнинг ўзгариши ва янги бизнес моделларнинг шаклланишини таҳлил қилади.

Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ва унинг таркибий таъсири Ross Levine (2005) тадқиқотларида ёритилган бўлиб, молиявий тизим ривожланган сари тадбиркорлик фаолияти диверсификацияси ошиши таъкидланади. Халқаро илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштириш комплекс ёндашувни талаб этади. Унда институционал, инновацион, молиявий ва рақамли омиллар уйғунлашган ҳолда қаралиши лозим. Шунингдек, замонавий методологияларда кўп мезонли баҳолаш усуллари ва иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришни илмий асосда ўрганиш учун комплекс ва кўп босқичли методологик ёндашув қўлланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини тизимли, институционал ва функционал-структуравий ёндашувлар ташкил этади. Тизимли ёндашув доирасида тадбиркорлик сектори ягона иқтисодий тизим сифатида қаралиб, унинг таркибий элементлари (кичик, ўрта ва йирик бизнес субъектлари, тармоқлар ва ҳудудлар) ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва таъсир механизмлари таҳлил қилинди.

Институционал ёндашув орқали тадбиркорлик муҳитини шакллантирувчи омиллар, жумладан, давлат сиёсати, солиқ тизими, молиявий институтлар ва ҳуқуқий база таъсири ўрганилди. Бу орқали тадбиркорлик фаолияти таркибий жиҳатдан қайси йўналишларда ривожланаётгани ва қандай институционал чекловлар мавжудлиги аниқланди. Функционал-структуравий таҳлил эса тадбиркорлик секторида қўшимча қиймат яратиш жараёнлари ва ресурслар тақсимотини баҳолаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида миллий статистик маълумотлар ва илмий манбалардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Методологик нуқтаи назардан, тадбиркорлик сектори тузилмасини такомиллаштириш бир неча илмий ёндашувларга таянади. Биринчи навбатда, тизимли ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ёндашувга кўра, тадбиркорлик сектори ягона тизим сифатида қаралиб, унинг барча элементлари ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлади. Масалан, кичик бизнес субъектлари, ўрта бизнес ва йирик корхоналар ўртасидаги муносабатлар занжирли таъсирни юзага келтиради. Шу сабабли, бир элементдаги ўзгариш бутун тизимга таъсир кўрсатади. Демак, таркибий тузилмани такомиллаштиришда ҳар бир элементнинг ўрни ва аҳамияти ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчи муҳим ёндашув – институционал ёндашув бўлиб, у тадбиркорлик муҳитини шакллантирувчи қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база ва институтларнинг ролини ўрганади. Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат сиёсати ва институционал муҳитга боғлиқ. Масалан, солиқ сиёсати, кредитлаш шартлари, лицензиялаш тартиблари тадбиркорлик субъектларининг қайси соҳаларда фаолият юритишини белгилайди. Шунинг учун методологияда институционал омилларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Учинчи ёндашув – функционал-структуравий таҳлил бўлиб, у тадбиркорлик секторидаги функциялар ва уларнинг таркибий элементлар билан боғлиқлигини ўрганади. Бу ёндашув орқали иқтисодиётда қайси тармоқлар юқори қўшимча қиймат яратаётгани, қайси соҳаларда ресурслар самарасиз ишлатилаётгани аниқланади. Натижада таркибий қайта қуриш учун асосли қарорлар қабул қилиш имкони пайдо бўлади.

1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		2021	2022	2023	2024	2025
Саноат маҳсулоти	трлн.сўм	124,9	143,9	177,9	307,8	383,9
Инвестициялар	трлн.сўм	109,2	127,6	176,6	265,7	362,9
Қурилиш	трлн.сўм	77,9	93,6	176,0	194,5	230,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	трлн.сўм	308,8	350,2	411,8	454,9	495,4
Чакана савдо	трлн.сўм	186,8	229,2	287,1	345,4	400,5
Кўрсатилган бозор хизматлари	трлн.сўм	231,5	394,2	378,0	477,9	595,1
Экспорт миқдори	трлн.АҚШ долл.	3,3	6,2	6,9	9,3	12,4
Импорт миқдори	трлн.АҚШ долл.	11,5	15,2	19,5	19,9	25,4
Банд бўлганлар	млн.киши	10,1	10,1	10,4	10,7	10,8

Манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-kichik-biznes-va-hususiy-tadbirkorlikni-davlat-tomonidan-llab-uvvatlash-mehanizmlari>.

1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2021–2025 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча асосий тармоқларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилган. Айниқса, саноат маҳсулоти ҳажми 124,9 трлн сўмдан 383,9 трлн сўмгача, инвестициялар 109,2 трлн сўмдан 362,9 трлн сўмгача ошгани тадбиркорлик секторида таркибий ўзгаришлар фаол кечаётганини англатади. Шу

билан бирга, қурилиш ва хизматлар соҳасидаги ўсиш юқори бўлиб, хизматлар ҳажми 231,5 трлн сўмдан 595,1 трлн сўмгача етгани иқтисодийда сервис сектори улуши ортиб бораётганини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо кўрсаткичлари ҳам мутаносиб ўсган бўлса-да, экспорт ва импорт динамикасида импортнинг нисбатан юқори суръатларда ўсиши (11,5 млрд доллардан 25,4 млрд долларгача) ташқи иқтисодий мувозанат масалаларини долзарб қилади. Бу ҳолат тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасида юқори қўшимча қиймат яратувчи, экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Бандлик кўрсаткичларининг нисбатан секин ўсиши (10,1 млн кишидан 10,8 млн кишигача) эса меҳнат унумдорлигини ошириш ва юқори технологияли соҳалар улушини кенгайтириш зарурлигини англатади. Ушбу тенденциялардан келиб чиқиб, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришда саноат ва хизматлар ўртасида оптимал мувозанатни таъминлаш, инновацион ва экспортбop фаолият турларини рағбатлантириш, шунингдек, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим. Таҳлиллар тадбиркорлик секториди таркибий диверсификация жараёнлари давом этаётганини кўрсатиб, уни янада самарали бошқариш учун институционал ва инвестицион механизмларни такомиллаштириш зарурлигини асослайди.

Қўйидаги 2-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2021–2025 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқларидаги улушида турлича динамика кузатилган бўлиб, бу тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасида сифат жиҳатдан ўзгаришлар кечаётганини англатади. Жумладан, ялпи ички маҳсулотдаги улуш 56,3 фоиздан 52,2 фоизга камайгани тадбиркорликнинг умумий иқтисодийдаги нисбий улуши қисқарганини кўрсатади. Бироқ бу ҳолат салбий тенденция эмас, балки йирик саноат ва капитал сифими юқори тармоқларнинг тезроқ ривожланаётгани билан изоҳланиши мумкин.

2-жадвал

Иқтисодий тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (%)

Иқтисодий тармоқлари	Йиллар					2025 йилни 2021 йилга нисбатан фарқи (фоиз пункт, +/-)
	2021	2022	2023	2024	2025	
Ялпи ички маҳсулот	56,3	54,3	53,8	53,5	52,2	-4,1
Саноат	27,4	26,0	27,0	31,9	34,9	+7,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	96,0	94,8	94,6	95,2	91,9	-4,1
Инвестициялар	45,6	47,9	49,6	51,8	61,4	+15,8
Қурилиш	72,5	71,5	78,5	75,4	73,6	+1,1
Бозор хизматлари	51,7	49,4	48,1	56,2	56,7	+5,0
Юк ташиш	42,9	47,4	51,8	51,2	52,4	+9,5
Йўловчи ташиш	92,7	92,4	93,1	92,2	90,6	-2,1
Экспорт	20,0	31,2	27,9	34,1	36,6	+16,6
Импорт	45,2	49,5	50,5	49,8	53,6	+8,4
Бандлик	74,5	73,9	74,0	74,5	74,7*	+0,2

Манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-kichik-biznes-va-hususiy-tadbirkorlikni-davlat-tomonidan-llab-uvvatlash-mehanizmlari>.

Шу билан бирга, саноатда кичик бизнес улушининг 27,4 фоиздан 34,9 фоизга (+7,5 п.п.) ошиши тадбиркорликнинг индустриал секторга чуқур кириб бораётганини англатади. Айниқса, инвестициялар улушининг 45,6 фоиздан 61,4 фоизга (+15,8 п.п.) ўсиши тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаоллиги кескин ошганини кўрсатади. Бу эса таркибий тузилмани такомиллаштиришда инвестицияларни рағбатлантириш муҳим эканини тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалигида улушининг 96,0 фоиздан 91,9 фоизга камайиши эса иқтисодиётда диверсификация жараёнлари кучайиб, тадбиркорликнинг бошқа тармоқларга ҳам кенг тарқалаётганини кўрсатади. Шунингдек, экспорт улушининг 20,0 фоиздан 36,6 фоизга (+16,6 п.п.) ошиши тадбиркорликнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари кенгаётганини англатади.

Бандликдаги улушнинг деярли ўзгармаслиги (74,5 фоиздан 74,7 фоизга) эса тадбиркорлик сектори хануз меҳнат бозорида асосий драйвер эканини кўрсатади. Умуман олганда, ушбу тенденциялар тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришда саноатлашув, экспортга йўналтириш ва инвестиция фаоллигини ошириш асосий стратегик йўналишлар бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришда инновацион ёндашув алоҳида аҳамият касб этади. Инновациялар иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи бўлиб, улар тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини оширади. Шу нуқтаи назардан, юқори технологияли ва билимга асосланган соҳалар улушини ошириш стратегик вазифа ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик секторида таркибий ўзгаришларни талаб этади.

Худудий жиҳатдан қаралганда, тадбиркорлик сектори тузилмасини диверсификация қилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Кўп ҳолларда иқтисодий фаоллик пойтахт ёки йирик шаҳарларда жамланган бўлади, бу эса ҳудудлар ўртасида иқтисодий номутаносибликни келтириб чиқаради. Шунинг учун методологияда худудий ривожланиш концепциялари, кластер ёндашуви ва локал иқтисодий тизимларни ривожлантириш механизмлари муҳим ўрин тутаяди.

Кластер ёндашуви тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришда самарали инструмент ҳисобланади. Ушбу ёндашувга кўра, ўзаро боғлиқ корхоналар, таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар муайян ҳудудда жамланиб, синергетик самарани таъминлайди. Натижада инновациялар тезроқ жорий этилади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади ва янги иш ўринлари яратилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик сектори тузилмасини трансформация қилиш янги имкониятлар яратади. Электрон тижорат, финтех, рақамли хизматлар каби соҳаларнинг ривожланиши тадбиркорлик фаолиятининг янги шакллари вужудга келтирмоқда. Бу эса таркибий ўзгаришларни талаб қилади. Шу боис, методологияда рақамли трансформация омилларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Шу билан бирга, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, венчур капиталини ривожлантириш, микромолия институтларини қўллаб-қувватлаш орқали таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш мумкин.

Методологик жиҳатдан яна бир муҳим масала – рискларни бошқаришдир. Тадбиркорлик секторидаги таркибий ўзгаришлар муайян рисклар билан боғлиқ бўлиб, уларни баҳолаш ва бошқариш зарур. Бу борада замонавий риск-менежмент усуллари, жумладан, сценарий таҳлили, стресс-тестлаш ва моделлаштириш усуллари фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштиришда давлатнинг роли ҳам катта. Давлат томонидан амалга ошириладиган саноат сиёсати, солиқ имтиёзлари, инфратузилмани ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

дастурлари таркибий ўзгаришларни тезлаштиради. Шу билан бирга, давлат аралашуви бозор механизмларини бузмаслиги, рақобат муҳитини чекламаслиги лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштириш кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, у тизимли, институционал ва инновацион ёндашувларни уйғунлаштиришни талаб этади. Самарали методологияни ишлаб чиқиш орқали иқтисодийда барқарор ўсишни таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Шунинг учун мазкур масала илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштириш масаласи миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланиши, ресурслардан самарали фойдаланиш ва глобал рақобатбардошликни таъминлашда стратегик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тадбиркорлик сектори фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки унинг таркибий мутаносиблиги, соҳалар кесимида диверсификацияси ва инновацион йўналтирилганлиги билан ҳам иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади.

Методологик жиҳатдан, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштириш тизимли, институционал ва инновацион ёндашувларни уйғунлаштиришни талаб этади. Айниқса, кўп мезонли баҳолаш усуллари (Entropy, TOPSIS, DEA), иқтисодий-математик моделлар ва рақамли таҳлил инструментларидан фойдаланиш таркибий ўзгаришларни илмий асосда баҳолаш имконини беради. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнининг аниқлиги ва самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини оптималлаштиришда қуйидаги устувор йўналишлар муҳим деб топилди:

- юқори қўшимча қиймат яратадиган ва инновацион соҳалар улушини ошириш;
- худудий иқтисодий номутаносибликларни камайтириш орқали тадбиркорликни диверсификация қилиш;
- кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш;
- рақамли иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиш;
- риск-менежмент тизимларини жорий этиш орқали барқарорликни таъминлаш.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик сектори таркибий тузилмасини такомиллаштириш узлуксиз ва кўп босқичли жараён бўлиб, у давлат сиёсати, бозор механизмлари ва инновацион муҳитнинг ўзаро уйғунлигида амалга оширилиши лозим. Самарали методологияни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали миллий иқтисодийда барқарор ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва халқаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш мумкин.

Адабиётлар/ Литература / Reference:

Acs, Z. J., & Audretsch, D. B. (2005). *Entrepreneurship, innovation and technological change. Foundations and Trends in Entrepreneurship*, 1(4), 149–195. <https://doi.org/10.1561/0300000004>.

Acs, Z. J., Szerb, L., & Autio, E. (2017). *Global Entrepreneurship Index 2017*. Springer. <https://doi.org/10.1007/978-3-319-63844-7>.

Audretsch, D. B., & Keilbach, M. (2004). *Entrepreneurship capital and economic performance. Regional Studies*, 38(8), 949–959. <https://doi.org/10.1080/0034340042000280956>.

Autio, E., Kenney, M., Mustar, P., Siegel, D., & Wright, M. (2014). *Entrepreneurial innovation: The importance of context. Research Policy*, 43(7), 1097–1108. <https://doi.org/10.1016/j.respol.2014.01.015>.

Baumol, W. J. (1990). *Entrepreneurship: Productive, unproductive, and destructive*. *Journal of Political Economy*, 98(5), 893–921. <https://doi.org/10.1086/261712>.

Frey, C. B., & Osborne, M. A. (2017). *The future of employment: How susceptible are jobs to computerisation?* *Technological Forecasting and Social Change*, 114, 254–280. <https://doi.org/10.1016/j.techfore.2016.08.019>.

Levine, R. (2005). *Finance and growth: Theory and evidence*. In *Handbook of Economic Growth* (Vol. 1, pp. 865–934). Elsevier. [https://doi.org/10.1016/S1574-0684\(05\)01012-9](https://doi.org/10.1016/S1574-0684(05)01012-9).

North, D. C. (1990). *Institutions, institutional change and economic performance*. Cambridge University Press. <https://doi.org/10.1017/CBO9780511808678>.

Reynolds, P. D., Hay, M., & Camp, S. M. (1999). *Global Entrepreneurship Monitor: 1999 Executive Report*. Kauffman Center for Entrepreneurial Leadership.

Schumpeter, J. A. (1934). *The theory of economic development*. Harvard University Press.